



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИК ДАРАЖАСИ ТАҲЛИЛИ

Рўзимов Баҳромжон Баходиржонович -
Андижон давлат университети
таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a45

Анотация. Ушбу мақолада озиқ-овқат саноати корхоналарида рақобатбардошлик даражасини таҳлил юзасидан фикрлар берилган. Бундай вазиятда озиқ-овқат саноатида ҳам рақобат муҳити кундан-кунга, шиддат билан рақобатбардош ривожланиб бориши, корхоналар ўртасидаги рақобатдошлигини ошириш орқали эришишга имкон берувчи бошқаришнинг назарий услубий жиҳатлари муҳимлиги асосланган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, рақобатбардош, рақобат, иқтисодий ўсиш, иқтисодий жараён, фойдалилик даражаси, корхоналар рақобатбардошлиги, бошқарув самарадорлиги, асосий фондлар индекси.

АНАЛИЗ УРОВНЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Рузимов Баҳромжон Баходиржонович -
Базовый докторант Андижанского
государственного университета

Аннотация. В данной статье представлены отзывы об анализе уровня конкурентоспособности в пищевой промышленности. В этой ситуации пищевая промышленность также исходит из важности теоретико-методологических аспектов управления, что может быть достигнуто за счет увеличения конкурентной среды, повышения конкурентоспособности между предприятиями.

Ключевые слова: пищевая промышленность, конкурентоспособность, конкуренция, экономический рост, экономический процесс, рентабельность, конкурентоспособность предприятия, эффективность управления, индекс основных фондов.

ANALYSIS OF THE LEVEL OF COMPETITIVENESS OF FOOD INDUSTRY ENTERPRISES

Ruzimov Bakhromjon Bahodirjonovich -
Basic doctoral student of Andijan State University

Abstract. This article provides feedback on the analysis of the level of competitiveness in the food industry. In this situation, the food industry also proceeds from the importance of theoretical and methodological aspects of management, which can be achieved by increasing the competitive environment, increasing competitiveness between enterprises.

Key words: food industry, competitiveness, competition, economic growth, economic process, profitability, enterprise competitiveness, management efficiency, index of fixed assets.

Кириш. Бугунги кунда республикамиз ижтимоий ривожланишининг ҳозирги ва келгусидаги чораларини аниқлашда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш даражаси ҳамда уларнинг кадрларга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиш, иқтисодий ривожланишнинг дастурларини мазкур жараёнларни таъсири бўйича шакллантириш ва уларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шунинг учун, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланган ишчи кучидан самарали фойдаланиш келгусида стратегик ривожланишнинг муҳим омили бўлиб қолаверади [3, -4 б.].

Республикамиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида персонал меҳнатидан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаб берувчи воситалардан бири меҳнат самарадорлигини ошириш манбалари ва резервларини аниқлашдан иборатдир.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлан-

тириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида «...айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янги ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда» [1,-5 б.], каби белги-ланган вазифалар озиқ-овқат саноати корхоналарида ҳам рақобатбардошликни таъминлаш мақсадида янги тамойиллар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу борада мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ва қонун ости ҳужжатларда белги-ланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш орқали мақсадларга эришиш муҳим саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29

декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “...иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилади” [3, -4 б.] – деб таъкидланган.

Саноат корхоналарида меҳнат самарадорлиги ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар меҳнат йўналиши бўйича барча кўрсаткичларнинг синтези ҳисобланади. Шу сабабли меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини етарлича тадқиқ этишда ўзаро боғлиқ бўлган меҳнат кўрсаткичларини комплекс равишда таҳлил этиш зарур.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Дунё мамлакатларида рақобатбардошликнинг шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқ этиш билан боғлиқ илмий-услубий ёндашувларни ўзида акс эттирган адабиётларни яратишга эътибор қўйди.

Бу борада америкалик олимлар М.Портер [12, -45 р.], П.Кругманлар [11, -23 с.] томонидан мамлакатнинг халқаро рақобатбардошлик даражасини тавсифловчи мезонлар ва кўрсаткичлар аниқлашга нисбатан қатор илмий ёндашувлар амалга оширилди.

Шу билан бирга рақобатбардошликнинг халқаро даражасини шаклланиш ва ривожланиш жараёнига доир қатор тадқиқотлар МДХ иқтисодчи олимларидан Г.Л.Азоев, А.П.Челенков [7,-54 с.], Р.А.Фатхутдинов [16,-46 с.] ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Рақобатбардошликни мамлакат, тармоқ, корхона, маҳсулот, кадрлар бўйича боғлиқликларга бўлиш мумкин. Ишлаб чиқариш корхоналарида, хусусан, озиқ-овқат саноатида “Озиқ-овқат саноати корхонасининг рақобатбардошлиги” ҳамда «Озиқ-овқат маҳсулоти рақобатбардошлиги» ўртасида ўзаро бир бирига боғлиқ бўлган алоқа мавжуд бўлиб, озиқ-овқат маҳсулоти рақобатбардошлиги корхонанинг рақобатбардошлик даражасига эришишда асосий хусусиятга эга бўлган омил ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича турли қарашлар мавжуд, лекин маҳсулотлар рақобатбардошлиги таснифлашда муайян таъриф ишлаб чиқилмаган.

Изланишлар давомида Х.А. Фасхиев “Рақобатбардош маҳсулот истеъмолчини қониқтирадиган нархда рақибларга ўхшаш аналоглардан устун бўлиши керак” [15, -с. 32] деб таъриф берган бўлса, Н.В.Еремеева ва С.Л.Калачев тадқиқот ишларида “Маҳсулот рақобатбардошлиги мураккаб хусусиятлар мажмуидир, маҳсулотларнинг сифати, истеъмол баҳоси, сотувчи корхонанинг маркетинг ва тижорат фаолияти самарадорлиги, истеъмолчини маҳсулотнинг ташқи кўринишларга ва сотувчи корхонанинг фаолиятига

маълум реакцияси ҳисобланади” [9, -с. 186] деб ҳисоблайдилар.

PhD М.А. Каримов “озиқ-овқат саноати корхоналари бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми – бу корхоналарни ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи тамойиллар ва усуллар мажмуидир” [10, -12 б.] деб таъриф беради.

Толипова Б.Ф. эса ўзининг тадқиқотларида “озиқ-овқат саноатини автоматлаштириш – бу ишлаб чиқариш ва сотиш маълумотларини зудлик билан олиш, технологик маълумотларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳавфларни ўз вақтида бартараф эта олиш имкониятидир. Озиқ-овқат саноатидаги технологик жараёнларни автоматлаштириш ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини бошқарув тизими ҳавфсизлиги талабларига мувофиқлигини таъминлайди, шунингдек, аниқ миқдорий ҳисоб кўрсаткичларини олиб боришни, ишлаб чиқариш жараёнини назорат этиш ва бошқариш имконини беради [14, -209 б.] деган фикрни илгартирган.

Ҳ.П.Абулқосимов ва Т.С.Расуловлар ўзининг “Ўзбекистонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш йўллари” номли рисоласида “озиқ-овқат ҳавфсизлиги мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи, мустақил таъминлашга қодирлигини ифодалайди [6, -24 б.] деган фикрни билдирганлар.

Н.И.Саидахмедова ўзининг илмий мақола-сида “қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси мамлакатимизда анча паст бўлиб, бу борада муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бу муаммолар қайта ишлаш тармоқлари корхоналари сонининг камлиги, уларнинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг анча эскирганлиги, қайта ишлаш корхоналарининг республика ҳудудлари бўйлаб нотекис жойлаштирилганли билан боғлиқдир” [13, -7 б.] деган фикрни келтирган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада тизимли ва мантиқий таҳлил, қиёсий таҳлил усуллари билан фойдаланилди. Хусусан, бошқарув қарорларини қабул қилиш борасида иқтисодчи олимлар фикри ўрганилди ва уларнинг илмий қарашлари тизимли ва мантиқий таҳлили олиб борилди.

Иқтисодий ривожланган жаҳон мамлакатларининг тажрибаси шундан далолат берадики, саноат тармоқлари корхоналари фаолиятининг самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсиши ишлаб чиқариш хусусиятлари ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, бир қатор омиллар таъсири билан белгиланади. Шунга кўра, биз ҳудудий даражада қайта ишлаш саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг омилли таҳлилин амалга оши-

рамиз. Бунда асосий мақсад иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омилларини ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий ўсишига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Мазкур омилли таҳлил жараёнида экстенсив ва интенсив омилларни индекс таққослаш усули орқали иқтисодий ўсиш аниқланади. Қуйида иқтисодий ўсиш динамикасининг умумий индекси формуласи келтирилган:

$$I_r = \frac{I_{mu} \times I_{fq}}{I_n \times I_{af}}, \quad (1)$$

бу ерда: I_r – иқтисодий ўсишнинг умумий индекси;

I_{mu} – меҳнат унумдорлиги индекси;

I_{fq} – фондлар қайтими индекси;

I_{af} – асосий фондлар индекси;

I_n – соҳада банд бўлганлар индекси [9,55б.]

Меҳнат унумдорлиги индекси (I_{mu}) бир соатдаги (I_s), кунлик (I_k), йиллик (I_y) меҳнат унумдорликлари индекслари иш вақти индексига боғлиқдир ва у қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{mu} = I_y \times I_d, \quad (2)$$

$$I_y = I_{mu} \times I_{ik} \text{ ёки } I_y = I_s \times I_d \times I_{ik}, \quad (3)$$

бу ерда: I_{mu} – кунлик меҳнат унумдорлиги индекси;

I_y – йиллик меҳнат унумдорлиги индекси;

I_s – бир соатдаги меҳнат унумдорлиги индекси;

I_d – иш вақтининг ҳақиқатдаги давомийлиги индекси;

I_{ik} – муайян йилдаги ўртача рўйхатда бир ишчига тўғри келадиган ишлаган иш кунлари сони индекси.

Шунга кўра, конкрет ҳолда меҳнат унумдорлиги индекси иш вақти сарфи индексига тескари бўлиб, қуйидагича ҳисобланади:

$$I_{mu} = \frac{\sum q_1 t_0}{\sum q_1 t_1}, \quad (4)$$

бу ерда: q_1 – бир ўлчов бирлигига мувофиқ ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

t_1 ва t_0 – маҳсулот бирлигига базис ва ҳисобот даврларидаги иш вақти сарфлари.

Фондлар қайтими индекси I_{fq} қуйидаги кўрсаткич асосида ҳисобланади:

$$I_{fq} = \frac{\sum P_{2i} \times L_i}{F_2} : \frac{\sum P_{1i} \times L_i}{F_1}, \quad (5)$$

бу ерда: P_{2i} ва P_{1i} – базис ва таҳлил этилаётган даврларга мувофиқ i – муддатга натурал кўрсаткичга ифодаланган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми;

L_i – i – турдаги маҳсулот бирлигига нарх;

F_1 ва F_2 – базис ва таҳлил этилаётган даврларга асосий фондлар ўрта йиллик қиймати [9, -57 б.].

Асосий фондлар индекси (I_{af}) қуйидаги формулалар асосида ҳисобланади:

$$I_{af} = \frac{\sum AF_{xdq} - \sum AF_{xchq}}{\sum AF_{xdq}} : \frac{\sum AF_{bdq} - \sum AF_{bchq}}{\sum AF_{bdq}}, \quad (6)$$

бу ерда: $\sum AF_{xdq}$ – асосий фондларнинг ҳисобот йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

$\sum AF_{xchq}$ – асосий фондлар ҳисобот йилида чиқиб кетган қисми қиймати;

$\sum AF_{bdq}$ – асосий фондлар базис йилидаги дастлабки қиймати суммаси;

$\sum AF_{bchq}$ – асосий фондларни базис йилида чиқиб кетган қисми қиймати.

Таҳлил ва натижалар. Озиқ-овқат саноати корхоналарида барча моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида юқори меҳнат натижаларига эришиш меҳнат самарадорлигини оширишнинг бош мезони ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат самарадорлигини таҳлил этишда унинг унумдорлик кўрсаткичи билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга, чунки меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигини ифодаловчи миқдорий кўрсаткичдир. Меҳнат унумдорлигини таҳлил қилиш учун зарур бўлган

кўрсаткичларни ҳисоблашда қуйидаги: саноат тармоқлари бўйича ялпи қўшилган қиймат, тармоқда банд бўлганларнинг йиллик миқдорий кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Саноат тармоқлари даражасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат миқдорини тармоқда банд бўлганлар сонига нисбати орқали аниқланади:

$$W_{tarmaq} = \frac{YQQ}{N}, \quad (7)$$

бу ерда: W_{tarmaq} – саноат тармоғида меҳнат унумдорлиги даражаси;

YQQ – саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат;

N – саноат тармоғида банд бўлганлар сони [5, -55 б.].

Саноат ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг бундай усулини қўллаш қуйидаги омиллар орқали ифодланади: биринчидан, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнида бир неча турлари

бўйича натурал кўрсаткичларнинг қўлланилиши унумдорликни ҳисоблашни мураккаблаштириб қўяди. Иккинчидан, мамлакатимизда миллий ҳисоблар тизими тамойилларига кўра статистик ҳисоб учун ишчи кучига сарф-харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми каби кўрсаткичлар ўртасида муайян алоқаларнинг йўқлиги, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги бундай алоқаларни моддий ишлаб чиқариш соҳасининг чекланган тармоқларида кузатиш мумкин. Саноатнинг асосий тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ишчи кучи қиймати учун сарф орқали аниқланади, қиймат (ялпи қўшилган қиймат) ва меҳнат харажатлари (меҳнат қиймати) ўртасидаги нисбат бирликка яқин бўлади. Шунинг учун кўпинча самарадорлик кўрсаткичи нолга яқин бўлади. Баъзи ҳолларда эса нолдан паст бўлиши ҳам мумкин. Шунга кўра, меҳнат унумдорлигини баҳолаш учун тармоқлар бўйича иш билан банд бўлганлар (ишловчилар сони) статистикасидан фойдаланилади.

Учинчидан, тақдим этилган тармоқ ичидаги статистикани иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари статистик кўрсаткичлари билан тақ-

қослаш учун ягона методологик асос орқали ҳамда ягона статистик баҳолаш бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ишловчиларни ўртача сони, асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматини турли даражали ва турли тармоқли кўрсаткичлари шакллантирилади.

Озиқ-овқат саноатида ялпи қўшилган қиймат (ЯҚК) кўрсаткичи қийматли кўрсаткич бўлганлиги учун биз дефлятор (таққослаш) усулидан фойдаландик, яъни ялпи қўшилган қиймат миқдорини таққослама кўринишга келтирамиз. Қиймат кўрсаткичларини таққослаш учун қуйидаги дефляторлардан (таққосланадиган индекслар) фойдаланамиз (1-жадвал).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда таҳлил этилаётган озиқ-овқат саноатида ялпи қўшилган қиймат (YQQ) ҳажми 2015-2021 йилларда мунтазам ўсиш тенденциясига эга. 2015-2021 йилларда YQQнинг ўсиш суръати озиқ-овқат саноатида 3,4 мартага ошган. Шу билан бирга, вилоятнинг мазкур озиқ-овқат саноати тармоқларида иш билан бандлик ҳам мунтазам ўсиб бориш тенденциясига эга (1-жадвал).

1-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат (YQQ, млрд. сўм) ва иш билан бандлар сони, (N, киши)

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	YQQ	N
2015	222,7	1420
2016	335,5	1840
2017	601,8	2570
2018	611,8	2580
2019	656,8	2582
2020	696,3	2582
2021	731,2	2585

Манба: Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1-жадвал маълумотларига асосланиб, озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги кўрсаткичини ҳисоблаймиз (2-жадвал). Таҳлилий маълумотларга эътиборимизни қаратсак, Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги ди-

намикаси мунтазам равишда ўсиш тенденциясига эгадир. 2015-2021 йиллар мобайнида меҳнат унумдорлиги озиқ-овқат саноатида бир мунча юқори (2021 йилда 314,1 млн. сўм) бўлган.

2-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	Меҳнат унумдорлиги (млн. сўм)	Ўсиш суръати, %
2015	156,8	100
2016	182,3	116,3
2017	234,2	128,4
2018	237,1	101,2
2019	254,4	107,3
2020	275,5	105,2
2021	314,1	108,1

Манба: Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Таъкидлаш керакки, 2015-2021 йилларда таҳлил этилаётган озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлигининг ўсиши 2017-2021 йилларда юқори суръатларда бўлса, 2018 йилда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати пайсасайган. Таҳлил этилаётган озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги тўлқинсимон ўсиш тенденциясига эга бўлган (2-жадвал).

Бизнинг фикримизча, иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида меҳнат унумдорлиги техника ва технологияларнинг такомиллашиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг оптималлашиши, ишчи-ходимлар малакасининг ошиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши ва рақамлаштириш натижасида чекланмаган миқдорда ошиб бориши мумкин.

Ҳозирги вақтда меҳнат унумдорлигининг янги концепцияси харажатларни камайтиришга асосланган, вақт жиҳатидан муттасил кенгайиб борадиган энг самарали ва битмас-туганмас имкониятларга эга бўлган ресурслар тежамкорлигининг айнан ўзи бўлмай, балки истеъмолда иштирок этувчи инсоннинг ўзини ривожланишидаги сифат силжишларидан иборат эканлигини назарда тутмоқ керак. Ушбу концепцияни рўёбга чиқариш ишлаб чиқаришнинг муҳимлиги бўйича даражалаштирилган истиқболли ижтимоий эҳтиёжларга қаратишни тақозо этади. Меҳнат унумдорлигини ошиши ялпи ички маҳ-

сулот (ЯИМ) динамикасини белгилаш билан бирга, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтириш тамойилларига жавоб беради ва бу билан бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув жараёнининг натижалар мезони бўлиб хизмат қилади. Меҳнат унумдорлиги ўсишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиш пропорцияларини, уларнинг бозордаги мувозанат шартларига мувофиқлигини назорат қилиш имконини беради. Меҳнат унумдорлигининг ошиши иқтисодиётда инфляция тамойилларини сусайтириш воситаси, шунингдек, ижтимоий ривожланишга ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чоратадбирларни рўёбга чиқаришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади [5, -83 б.].

Қуйида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, саноат корхоналарида меҳнат унумдорлигини ошириш жараёнида асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланган тармоқда асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлиliga эътиборимизни қаратамиз.

Ишлаб чиқариш корхоналарида фондлар қайтими кўрсаткичини таҳлил қилиш учун қуйидаги статистик маълумотлардан фойдаланилди (3-жадвал): қайта ишлаш саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат ҳамда жами асосий фондлар қиймати, (йил бошига).

3-жадвал

Андижон вилоятида озиқ-овқат саноати тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати (йил бошига, млрд. сўм)

Йиллар	Озиқ-овқат саноати
2015	122,3
2016	165,2
2017	248,6
2018	251,7
2019	260,6
2020	286,1
2021	292,3

Манба. Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Вилоятнинг озиқ-овқат саноати тармоқларида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, мавжуд ускуналарни модернизациялаш асосида асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Таҳлилий маълумотларга кўра, 2015-2021 йилларда асосий ишлаб чиқариш фондларининг қиймати озиқ-овқат саноатида ўсиш – 2,41 мартага ошган.

Озиқ-овқат саноати тармоқлари бўйича фондлар қайтимини ҳисоблаш тармоқларда яратилган ялпи қўшилган қийматни шу тармоқлар асосий ишлаб чиқариш фондларига нисбати билан аниқланади.

$$FQ_{\text{тармоқ}} = \frac{YQQ}{AIF}, \quad (8)$$

бу ерда: $FQ_{\text{тармоқ}}$ – озиқ-овқат саноати тармоқларида фондлар қайтими;

YQQ – озиқ-овқат саноати тармоқларида ялпи қўшилган қиймат;

AIF – йил бошида озиқ-овқат саноати тармоқларида асосий ишлаб чиқариш фондларнинг тўлиқ қиймати.

Саноат корхоналарида асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда озиқ-овқат саноатида фондлар қайтими фондлар билан қуролланиш кўрсаткичини ўсиш даражасига нисбатан юқори суръатларда ўсиб борган (4-жадвал).

Таҳлил этилаётган тармоқларда юқоридаги кўрсаткичларни таққослаш учун дастлаб фондлар билан қуролланиш ва уни ўсиш дара-

жаси кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш зарур. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фондлар билан қуролланиш қийматини тармоқда банд бўлган ишловчилар сонига бўлиш орқали амалга оширилади.

$$FBQ = \frac{AIF}{N}, \quad (9)$$

бу ерда: FBQ – озиқ-овқат саноати тармоқларида фондлар билан қуролланиш даражаси;
N – озиқ-овқат саноати тармоқларида банд бўлганлар сони.

4-жадвал

Андижон вилоятида озиқ-овқат саноати тармоқларида фондлар қайтими (FQ) ва фондлар билан қуролланиш даражаси (FBQ)

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	FQ (сўм)	FBQ (млн. сўм)
2015	1,82	86,1
2016	2,03	89,8
2017	2,42	96,7
2018	2,43	97,6
2019	2,52	100,9
2020	2,83	102,3
2021	2,91	105,1

Манба: Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Маълумки, фондлар билан қуролланиш даражасининг фондлар қайтими ўсишига нисбатан паст суръатларда ўсиб бориши фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошишига олиб келади.

5-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида фондлар қайтими (FQ) ва фондлар билан қуролланишнинг (FBQ) ўсиш суръати, (%)

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	FQ	FBQ
2015	100	100
2016	111,5	104,3
2017	119,2	107,7
2018	100,4	100,9
2019	103,7	103,4
2020	105,1	105,4
2021	106,2	107,1

Манба. Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

5-жадвал маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, вилоят озиқ-овқат саноати тармоғида таҳлил этилаётган йилларда асосий фондлардан фойдаланиш самарали бўлган, чунки фондлар билан қуролланишнинг ўсиш даражаси фондлар қийматини ўсиш даражасидан юқори

бўлмаган. Лекин таҳлил этилаётган йиллар ичида фондлар билан қуролланиш ва фондлар қайтимининг ўсиш суръатлари 2017-2021 йилларда мутаносиб равишда пастроқ суръатларда ўсиб борган. Бу эса тармоқда фондлардан фойдаланиш самарадорлигини пасайишини ифодалайди

6-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида меҳнат унумдорлиги (I_{му}) ва фондлар қайтими (I_{fq}) даражасининг индекслари

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	I _{му}	I _{fq}
2015	1,00	1,00
2016	1,16	1,11
2017	1,28	1,19
2018	1,01	1,01
2019	1,07	1,04
2020	1,08	1,12
2021	1,12	1,14

Манба. Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган

Тармоқда банд бўлганлар сони индекси (I_n) муайян давр боши ва охирига ишчилар сони ўзгариши билан аниқланади ва қуйидагича ҳисобланади:

$$I_n = \frac{N_o + N_q - N_b}{N_o}, \quad (10)$$

бу ерда: N_o – муайян давр бошида ишчилар сони, (киши);

N_q – шу даврга янги ишга қабул қилинганлар сони, (киши);

N_b – муайян давр турли сабабларга кўра ишдан бўшатишган ишчилар сони, (киши). Агар $I_n > 1$ бўлса, у ҳолда ўсиш нисбатан интенсив, агар $I_n < 1$ бўлса, у ҳолда экстенсив иқтисодий ўсиш бўлишини кузатиш мумкин.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати иқтисодий ўсишнинг умумий индекси, яъни меҳнат унумдорлиги, фондлар қайтими, банд бўлган ишловчилар ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда иқтисодий секторлари бўйича иқтисодий ўсиш динамикаси ишлаб чиқилди (6-7-8-жадваллар).

7-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида банд бўлганлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари

Йиллар	Озиқ-овқат саноати	
	I_n	I_{af}
2015	1,00	1,00
2016	1,29	1,35
2017	1,40	1,50
2018	1,01	1,01
2019	1,00	1,04
2020	1,02	1,07
2021	1,03	1,05

Манба: Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ушбу жадваллардан кўришиб турибдики, озиқ-овқат саноатида интенсив омиллар (меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими) таъсири бир мунча юқорироқдир. Шунингдек, озиқ-овқат саноати тармоқларида банд бўлганлар сони (I_n) ва асосий фондлар (I_{af}) динамикаси индекслари 1,0 коэффициентдан нисбатан юқори эканлиги экстенсив омиллар таъсири устунлигини ифодалайди.

Вилоятда сўнгги йилларда озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш экстенсив омиллар ҳисобига эришилган. Шунинг учун ҳам,

вилоят озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг интенсив ва экстенсив омиллари таъсири даражаларига қараб таҳлил этиш ва баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсишнинг умумий индексини аниқлашда меҳнат унумдорлиги динамикаси, фондлар қайтими, банд бўлганлар сони ва асосий ишлаб чиқариш фондлари индекси ҳамда озиқ-овқат саноати тармоқларининг иқтисодий ўсиш динамикаси ҳисоблаб чиқилди ва улар қуйидаги 8-жадвалда келтирилган.

8-жадвал

Андижон вилояти озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсиш даражасининг умумий индекси

Йиллар	Озиқ-овқат саноати
2016	0,71
2017	0,73
2018	1,00
2019	1,07
2020	1,09
2021	1,12

Манба. Андижон вилояти Давлат статистика Бош бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

8-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, Андижон вилоятида озиқ-овқат саноати 2021 йилда иқтисодий ўсиш асосан интенсив омилларни ($I_n > 1$) ўзгариши ҳисобига эришилган, яъни меҳнат унумдорлиги ва фондлар қайтими индекслари ўсиши юзага келган. Қолган йилларда эса мазкур тармоқлардаги иқтисодий

ўсишга интенсив омилнинг таъсири анча кам бўлган.

Хулоса ва таклифлар. Озиқ-овқат саноати тармоқларида иқтисодий ўсишга, асосан унумдорлик кўрсаткичларини ошириш ҳисобига эришиш муайян вақт ўтиб бориши билан тобора юқорироқ натижа бериб боради. Ўз нав-

батада озиқ-овқат саноати тармоқларида унумдорлик кўрасаткичларининг аҳамиятини ўсиши ва ҳисобланиши ўзининг долзарблигини оширади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий самарадорликка экстенсив омилларининг таъсири нисбатан пасайиб бориш тенденциясига эга.

Иқтисодий талқинига кўра, самарадорлик нафақат натижадорлик, балки фаолият самара-

сининг унга эришиш учун зарур бўлган харажатларга нисбати тушунилади. Агарда самарадорликнинг оддий интуитив тушунчаси даражасида фақат натижаларнинг сифати, миқдори ва белгиси (ижобий, салбий) билан баҳоланиши мумкин бўлса, унда иқтисодий самарадорликни баҳолашда натижа харажатларга тегишли бўлиши керак.

Манба ва фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси янада ривожлантириш бўйича Ҳаркатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони, – www.lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303 сонли “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фарориди. // www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: «МЕННАТ», 2009. 315-316-б.
6. Абулқосимов Ҳ.П., Расулов Т.С. Ўзбекистонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Рисола. - Т., “Fan va texnologiya”, 2015. -60 б.
7. Азоев Г.Л., Челенков А.П. Конкурентные преимущества фирмы. - М.: ОАО «Типография «Новости», 2000. - 256 с
8. Гличев А.В. Очерки по экономике и организации управления качеством продукции // Стандарты и качество. – 1994. - № 12. – с. 19.
9. Еремеева Н.В., Калачев С.Л. Конкурентоспособность товаров и услуг. - М.: Колосс, 2006. – с. 186.
10. Каримов М.А. Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш: иқт.фан.фал.док. автореф. –Андижон. АДУ, 2021. -12 б.
11. Кругман П.Р., М.Обстфельд Международная экономика: Теория и политика – М.: Экон. Фак. Моск.гос. ун-та: ЮНИТИ, 1997. 769 с.
12. Porter М.Е. The Competitive Advantage of Nations. – Free Press; 1 edition (Jun 1 1998). – 896 p.
13. Саидахмедова Н.И. Ўзбекистонда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш тенденциялари ва муаммолари.// “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 2, апрель, 2019. –Б. 7.
14. Толипова Б.Ф. Озиқ-овқат саноатининг инвестициявий самарадорлигини оширишда рақамли технологияларни жорий этиш ва автоматлаштириш истиқболлари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 6, noyabr-dekabr, 2020 yil, 209 b.
15. Фасхиев Х.А. Маркетинг в автомобилестроении. – М.: Центр маркетинговых исследований и менеджмента, 2001. – с. 32.
16. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. – М.: Инфра-М, 2000. – 312 с